

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

204 Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида» 2015 йил 20 ноябрдаги ПҚ–2435-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда:

болалар мусиқа ва санъат мактабларини мусиқа асбоблари, махсус мебеллар, асбоб-ускуналар ва бошқа анжомлар билан жиҳозлаш нормативлари;

мусиқа ва санъат йўналишларида таълим беришнинг илғор хорижий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган ўқув режаси тасдиқланишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги уч ой муддатда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг намунавий уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 2-сон, 5-модда) билан тасдиқланган Мактабдан ташқари муассаса тўғрисидаги низомнинг 2-банди иккинчи хат-бошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда «Баркамол авлод» бола-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

лар марказлари фаолиятининг хусусиятлари Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида белгиланади».

5. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ю. Ходиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 5 май,
144-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 5 майдаги 144-сон қарорига
ИЛОВА

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисида НИЗОМ

И. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, узлуксиз таълим тизимининг мажбурий бўлмаган тури ҳисобланган, мактабдан ташқари таълим беришга мўлжалланган давлат болалар мусиқа ва санъат мактабининг (кейинги ўринларда болалар мусиқа ва санъат мактаби деб аталади) фаолият кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, ушбу Низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда ўз уставига амал қилади.

3. Болалар мусиқа ва санъат мактаби давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади ва ўз уставига, мустақил балансига, шахсий газна ҳисобварақларига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штампга ва бланкаларга эга бўлади.

4. Болалар мусиқа ва санъат мактаби белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Болалар мусиқа ва санъат мактабининг намунавий устави Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

5. Болалар мусиқа ва санъат мактабида таълим олиш тўлов асосида

амалга оширилади. Тўловни тўлаш ва ундан озод этиш масалалари қонун ҳужжатларида белгиланади.

II. Болалар мусиқа ва санъат мактабининг мақсади ва вазифалари

6. Болалар мусиқа ва санъат мактабининг асосий мақсади ёш авлоднинг мусиқа ва санъат турларига қизиқиши ва қобилиятини ривожлантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни халқимиз анъаналарига ва миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий ва маърифий савиясини ҳар томонлама оширишдан иборат.

7. Қуйидагилар болалар мусиқа ва санъат мактабининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўқувчиларнинг маънавий ва эстетик ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиш;

ўқувчиларнинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маданий савиясини юксалтириш;

ўқувчиларни миллий ва жаҳон мусиқаси, тасвирий санъатнинг юксак намуналаридан ва ўзбек халқининг мумтоз мусиқа мероси дурдоналаридан баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш;

миллий ҳамда умуминсоний қадриятларни узвий бирлаштириш асосида ўқувчиларда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;

ўқувчиларга умумий мусиқа, хореография, театр санъати, тасвирий ва амалий санъат йўналишлари бўйича билимларнинг бошланғич асосларини ўргатиш орқали уларни мусиқа ва санъат оламига жалб этиш;

иктидорли ўқувчиларни мусиқа ва санъат йўналишлари бўйича ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқишини давом эттириш учун тайёрлаш.

III. Болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолиятини ташкил этиш

8. Болалар мусиқа ва санъат мактаби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг қарори билан ташкил этилади.

9. Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига кўра, уларнинг ижодий имкониятларини янада ривожлантиришга йўналтирилган мусиқа (фортепиано, торли чолғулар, эстрада чолғу ижрочилиги, халқ чолғулари, дамли ва зарбли чолғулар, анъанавий чолғу ижрочилиги, анъанавий хонандалик, академик хонандалик, эстрада хонандалиги) ва санъат (хореография, театр санъати, тасвирий ва амалий санъат) йўналишларида (кейинги ўринларда таълим йўналишлари деб аталади) фаолиятини амалга оширади.

10. Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқувчиларга таълим бериш якка

тартибда ёки бир хил ёшдаги ва турли ёшдаги болалар гуруҳларида уларнинг кизиқишларига кўра бир ёхуд бир неча таълим йўналишлари бўйича амалга оширилади.

11. Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқув-тарбиявий ишлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ўқув режалари ва ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

12. Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш учун муассаса директорининг буйруғи асосида таълим йўналишлари бўйича бўлинмалар ташкил этилиши мумкин.

IV. Болалар мусиқа ва санъат мактабига ўқишга қабул қилиш, ўқишни кўчириш

13. Болалар мусиқа ва санъат мактаби раҳбарияти ҳар йили июнь — август ойларида ўқишга қабул қилиш ишларини ташкил этади.

Ўқувчилар болалар мусиқа ва санъат мактабига Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланадиган қабул квоталари доирасида ўқишга қабул қилинади.

Қабул квоталари болалар мусиқа ва санъат мактабининг қуввати, моддий-техника базаси, кадрлар билан таъминланганлик даражаси, таълим йўналишлари бўйича талаб ва эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда шакллантирилади.

14. Болалар мусиқа ва санъат мактабида қабул синовлари ўтказиш учун муассаса директорининг буйруғи билан 5 кишидан иборат таркибда қабул комиссияси тузилади.

15. Қабул комиссияси таркибига муассаса директори, директорнинг ўқув-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ва педагог ходимлар киритилади. Муассаса директори қабул комиссияси раиси ҳисобланади.

16. Болалар мусиқа ва санъат мактабига ўқишга кириш учун ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (кейинги ўринларда ота-оналар деб аталади) ҳар йили 1 август — 25 август мобайнида қабул комиссиясига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- а) таълим йўналиши (йўналишлари) кўрсатилган ариза;
- б) ўқувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси;
- в) ўқувчига белгиланган шаклда берилган тиббий маълумотнома;
- г) 3 х 4 ўлчамли 2 та фотосурат.

17. Қабул синовлари ҳар йили 31 августгача ўқувчининг ижодий қобилиятини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Қабул синовлари қабул комиссияси ҳузурида ўтказилади. Қабул синовлари бир марта топширилади, қайта топширишга йўл қўйилмайди.

18. Қабул комиссияси ота-онанинг аризасида кўрсатилган таълим йўналиши бўйича ўқувчининг қўйидаги ижодий қобилиятини қабул синовларида аниқлайди:

мусиқа (фортепиано, торли чолғулар, эстрада чолғу ижрочилиги, халқ

чолғулари, дамли ва зарбли чолғулар, анъанавий чолғу ижрочилиги, анъанавий хонандалик, академик хонандалик, эстрада хонандалиги) йўналиши бўйича мусиқа ритмига мослашиши, қўшиқ айтиши, мусиқани эшитиши ва эслаб қолиши;

санъат йўналишлари:

хореография бўйича жисмонан маъқуллиги (тана ва оёқларнинг эгилувчанлиги), ритмга мослашиши, мусиқани эшитиши;

тасвирий ва амалий санъат мутахассисликлари бўйича тасаввурдаги нарсасиз ёки манзарани чиза олиши;

театр санъати мутахассисликлари бўйича шеър ёки монологни ёддан ифодали ўқиши ва овоз ёки ҳаракатга нисбатан тақлид қила олиши.

19. Болалар мусиқа ва санъат мактабининг иккинчи ва ундан юқори синфларига қабул қилиш учун ўқувчилар мазкур Низомнинг 18-бандида назарда тутилган қабул синовларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув дастурлари бўйича тегишли синфдаги билим даражасига қўйиладиган талаблар асосида қуйидаги махсус фанлар бўйича ҳам қабул синовларини топширадилар:

а) мусиқа (фортепиано, торли чолғулар, эстрада чолғу ижрочилиги, халқ чолғулари, дамли ва зарбли чолғулар, анъанавий чолғу ижрочилиги, анъанавий хонандалик, академик хонандалик, эстрада хонандалиги) йўналиши бўйича — мутахассислик ва сольфеджио фани;

б) санъат йўналишлари бўйича:

хореография — мумтоз ракс, партер фани;

тасвирий ва амалий санъат — чизма тасвир, ранг тасвир, композиция фани;

театр санъати — актёрлик маҳорати, сахна нутқи, сахна ҳаракати фани.

20. Ўқувчининг синовдан ўтган ёки ўтмаганлиги қабул комиссияси аъзоларининг очиқ овоз бериши йўли билан аниқланади. Қабул комиссияси аъзоларининг кўпчилиги ижобий овоз берган тақдирда ўқувчи қабул синовидан ўтган ҳисобланади.

Қабул комиссиясининг раиси барча аъзолардан сўнг овоз беради. Овозлар сони тенг бўлиб қолганда қабул комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

21. Қабул комиссияси ўқувчини ўқишга қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилади. Қабул комиссиясининг ижобий қарорига асосан муассаса директори ўқувчини ўқишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Ўқувчиларни ўқув йили давомида ўқишга қабул қилишга йўл қўйилмайди, бошқа болалар мусиқа ва санъат мактабидан ўқиши кўчирилган ўқувчилар бундан мустасно.

22. Ўқувчининг ота-онаси ўз хоҳишига кўра ўқув йили давомида ёки у тугагандан сўнг фарзандини ўқиётган болалар мусиқа ва санъат мактабидан бошқасига ўтказиш ҳуқуқига эга.

Ўқувчилар ота-оналарининг аризаси асосида ўқиётган болалар мусиқа

ва санъат мактабидан бошқасига таълим олаётган таълим йўналиши бўйича ўтказилади.

23. Ўқиётган болалар мусиқа ва санъат мактабидан бошқасига ўтказилган ўқувчилар томонидан ўқишни давом эттириш учун танланган мактабга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ўқиган жойидан маълумотнома;

ўқувчининг баҳолар (ўзлаштириш) табели;

якка тартибдаги иш режаси (мусиқа йўналишлари учун).

24. Ўқувчини бир таълим йўналишидан бошқа таълим йўналишига ўтказиш болалар мусиқа ва санъат мактабидаги таълимнинг биринчи ва иккинчи йилида амалга оширилади.

Юқори синфларда бир таълим йўналишидан бошқа таълим йўналишига ўтказишга йўл қўйилмайди.

25. Бир таълим йўналишидан бошқасига ўтказиш муассаса директорининг буйруғига асосан 5 кишидан иборат таркибда тузиладиган ўқувчиларнинг ўқишини бир таълим йўналишидан бошқасига кўчириш комиссиясининг (кейинги ўринларда кўчириш комиссияси деб аталади) қарорига асосан амалга оширилади.

Кўчириш комиссияси таркибига муассаса директори, директорнинг ўқув-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ва педагог ходимлар киритилади. Муассаса директори кўчириш комиссияси раиси ҳисобланади.

Кўчириш комиссияси ўқув йили давомида фаолият юритади.

26. Кўчириш комиссияси томонидан бир таълим йўналишидан бошқасига ўтказишда ўқувчининг мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган мазкур йўналиш бўйича давлат талабларининг минимал даражасини билиши ҳисобга олинади.

27. Кўчириш комиссиясининг қарори ўқувчига дарҳол эълон қилинади. Кўчириш комиссиясининг қарори ижобий бўлган тақдирда, унга асосан муассаса директори ўқувчини танлаган таълим йўналишига ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

28. Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқувчилар контингенти бир йилда бир марта — сентябрь ойида тасдиқланади.

29. Болалар мусиқа ва санъат мактаби директори билан ўқишга қабул қилинган ўқувчиларнинг ота-оналари ўртасида ўқиш муддатига шартнома тузилади.

V. Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш

30. Болалар мусиқа ва санъат мактабида мусиқа (фортепиано, торли чолғулар, эстрада чолғу ижрочилиги, халқ чолғулари, дамли ва зарбли чолғулар, анъанавий чолғу ижрочилиги, анъанавий хонандалик, академик хонандалик, эстрада хонандалиги) ва санъат (хореография, тасвирий санъат, амалий санъат, театр санъати) таълим йўналишлари мавжуд бўлиб, бола-

ларни 1-синфга қабул қилиш ёши ва ўқиш муддатлари қуйидагича белгиладилар:

Т/р	Таълим йўналишлари	Қабул ёши	Ўқиш муддати
Мусиқа йўналиши			
1.	Фортипиано	6 — 9	7 йил
2.	Торли чолғулар	6 — 9	7 йил
3.	Эстрада чолғу ижрочилиги: фортипиано, торли чолғулар; дамли ва зарбли чолғулар	6 — 9; 6 — 11	7 йил; 5 йил
4.	Халқ чолғулари	6 — 11	5 йил
5.	Дамли ва зарбли чолғулар	6 — 11	5 йил
6.	Анъанавий чолғу ижрочилиги	6 — 11	5 йил
7.	Анъанавий хонандалик	6 — 11	5 йил
8.	Академик хонандалик	6 — 11	5 йил
9.	Эстрада хонандалиги	6 — 11	5 йил
Санъат йўналиши			
10.	Хореография	6 — 11	5 йил
11.	Тасвирий санъат	6 — 11	5 йил
12.	Амалий санъат	6 — 11	5 йил
13.	Театр санъати	6 — 11	5 йил

31. Ўқув йили болалар мусиқа ва санъат мактабида 2 сентябрдан келгуси йилнинг 31 майга қадар давом этади ва тўртта чоракка бўлинади.

32. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда қуйидаги муддатларга амал қилинади:

ўқув йилининг давомийлиги — 34 ҳафта;

ўқув ҳафтасининг давомийлиги — 6 кун;

дарс машғулотининг давомийлиги — 45 дақиқа;

дарс машғулотлари оралиғидаги танаффуснинг давомийлиги — 5 дақиқа.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида байрам (ишланмайдиган) кунлари деб белгиланган кунларда дарс машғулотлари ўтказилмайди.

Байрам (ишланмайдиган) кунларига тўғри келиб қолган дарс машғулотларининг мавзулари ўқув дастурларини ихчамлаштирган ҳолда кейинги дарс машғулотларида ўтказилади.

33. Ўқув йили давомидаги таътиллارнинг муддатлари қуйидагича белгиладилар:

кузги таътил — 4 ноябрдан бошлаб 6 календарь кун;

қишки таътил — 28 декабрдан бошлаб 14 календарь кун;

баҳорги таътил — 21 мартдан бошлаб 7 календарь кун;

ёзги таътил — 1 июндан (санъат йўналишлари ўқувчилари учун 16 июндан) бошлаб 2 сентябргача.

Таътилнинг охирги кунин байрам (ишланмайдиган) кунга тўғри келиб қолган тақдирда дарс машғулотлари кейинги иш кунидан бошлаб давом этирилади.

Чораклар оралиғидаги таътиллер даврида болалар мусиқа ва санъат мактабининг педагог ходимлари томонидан машғулотларнинг ўзига хос ижодий дастурларини ишлаб чиқиш, ўзлаштириши паст бўлган ўқувчиларнинг билим савиясини таҳлил қилиш ва улар билан қўшимча ишлаш, уларга маслаҳатлар бериш, ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида мусиқа ва санъатнинг инсон маънавий ва маданий савиясини оширишдаги ўрнини тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида тадбирлар ташкил этиш, ўқувчилар учун шахсий ва тақвимий иш режалари тузиш каби ишлар амалга оширилади.

34. Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

Ўқувчилар билан гуруҳ бўйича ва яқка тартибда машғулотлар олиб бориш;

ўқувчиларнинг мустақил иши;

назорат дарслари;

академик концертлар, техник синовлар;

мустақил равишда ишланган ижодий маҳсулотлар кўргазмаси;

кўрик-танлов, фестивал, устоз сабоқлари;

синфдан синфга ўтказиш ва битирув имтиҳонлари.

35. Ўқувчиларнинг билими ва ижодий маҳорати қўйидаги тартибда баҳоланади: 5 (аъло), 4 (яқши), 3 (қониқарли), 2 (қониқарсиз).

36. Яқка тартибда ўқув машғулотларини олиб борадиган ўқитувчилар ҳар бир ўқувчига ўқув йили учун шахсий иш режаси, гуруҳли тартибда ўқув машғулотларини олиб борадиган ўқитувчилар тақвимий иш режаси тузиладилар.

37. Болалар мусиқа ва санъат мактабида синфдан синфга ўтказиш ва битирув имтиҳонлари ҳар йили 10 май — 31 май мобайнида ўтказилади.

38. Болалар мусиқа ва санъат мактаби битирувчиларига июнь ойида ўқишни тугатганлиги тўғрисида мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклдаги гувоҳнома берилади.

39. Болалар мусиқа ва санъат мактабини тугатишига бир йил қолган ўқувчиларга ота-оналари аризасига ва мутахассислик ўқитувчисининг тавсия хатига асосан педагогик кенгаш қарори билан иқтидорли болаларнинг ёшини, умумий ўрта таълим мактабида таҳсил олаётган синфини, ўқув режасининг бажарилишини инобатга олган ҳолда ўқиш муддати бир йилга қисқартирилиши мумкин.

40. Ўқувчилар болалар мусиқа ва санъат мактабидан қўйидаги ҳолатларда четлаштирилиши мумкин:

ўз хоҳишига биноан;

ўқишнинг бошқа болалар мусиқа ва санъат мактабига кўчирилиши муносабати билан;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги) учун;
ўқув интизомини ва муассасанинг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;

ўқиш учун белгиланган тўловнинг ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўловдан озод этилган ўқувчилар бундан мустасно);

ўқувчининг суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

вафот этганлиги сабабли.

Директорнинг ўқувчини болалар мусиқа ва санъат мактабидан четлаштириш тўғрисидаги буйруғига қўйидагилардан бири асос бўлади: ота-онанинг аризаси, педагогик кенгаш қарори, ўқитувчининг билдиришномаси.

41. Ота-оналарнинг аризаси асосида ўқувчига болалар мусиқа ва санъат мактаби директорининг буйруғига мувофиқ бир йил муддатга академик таътил берилиши мумкин.

42. Битирув имтихонларини топшира олмаган ўқувчиларга муассасада ўқиганлиги тўғрисида маълумотнома берилади.

VI. Болалар мусиқа ва санъат мактабининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

43. Болалар мусиқа ва санъат мактаби қўйидаги ҳуқуқларга эга:
болалар мусиқа ва санъат мактаби ходимлари ва ўқувчилардан муассасанинг устави ва ички тартиб-қоидаларига риоя этилишини талаб қилиш;
ўқув жараёнини такомиллаштириш ва таълим жараёнини методик таъминлаш бўйича таклифлар киритиш;

молиялаштиришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган турли манбалари ҳисобига бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш.

44. Болалар мусиқа ва санъат мактабининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

худудий халқ таълими бошқармаларининг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, буйруқлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари ижросини таъминлаш, топшириқ ва кўрсатмаларини бажариш;

ўз уставида белгиланган вазифаларни бажариш;

мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари, белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режаси ва ўқув дастурлари асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;

ўқувчиларни мактабдан ташқари таълимга жалб этиш мақсадида тарғиб-бот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

таълим-тарбия жараёнини санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ ташкил этиш;

болалар мусиқа ва санъат мактаби ходимларини қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

муассасанинг моддий-техника таъминотини ва кадрлар салоҳиятини ривожлантириш.

VII. Таълим жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

45. Ўқувчилар, ота-оналар ва педагог ходимлар (ўқитувчи, концертмейстер) болалар мусиқа ва санъат мактабидаги таълим жараёнининг иштирокчилари ҳисобланади.

46. Ўқувчилар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари асосида ихтиёрий равишда таълим олиш;

қизиқишига кўра таълим йўналишини танлаш;

бир неча таълим йўналиши бўйича билим олиш;

инсоний кадр-қимматининг ҳурмат қилинишини талаб қилиш, виждон эркинлиги, ахборот эркинлиги, ўз қарашлари ва эътиқодини ифодалаш;

болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўқув ва иш фаолиятини такомиллаштиришга оид таклифлар бериш;

конун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

47. Ўқувчиларнинг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

болалар мусиқа ва санъат мактабининг ички тартиб-қоидаларига риоя қилиш;

болалар мусиқа ва санъат мактабининг моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш ва уни асраб-авайлаш;

жамоатчилик ишларида фаол иштирок этиш;

ўз ижодий қобилиятини ривожлантириш, билимларни мустақил эгаллаш кўникмасини ҳосил қилиш ва уни амалда қўллаш;

конун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятлар.

48. Ота-оналар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

болалар мусиқа ва санъат мактаби раҳбариятидан фарзанди учун мазкур мактабнинг уставига мувофиқ зарур шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиш;

бола шахсига ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш;

жамоатчилик асосида болалар мусиқа ва санъат мактабининг иш фаолиятида иштирок этиш;

конун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

49. Ота-оналарнинг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

фарзандининг жисмоний ва руҳий соғлом бўлиши учун ғамхўрлик қилиш;

боланинг кадр-қимматига ҳурмат билан қараш, уни меҳнатсеварлик, эзгулик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;

фарзандида қонунларга итоаткорлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат туйғусини тарбиялаш;

фарзандига ўқув машғулотларида иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

фарзандининг таълим олишига кўмаклашиш ва узрли сабабларсиз ўқув машғулотларига мунтазам қатнашишини таъминлаш;

ўқиш учун тўловни ўз вақтида амалга ошириш;

конун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятлар.

50. Педагог ходимлар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

болалар мусиқа ва санъат мактаб фаолиятининг муҳим масалалари муҳокамасида ва қарорлар қабул қилинишида қатнашиш;

ўз касбий шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;

болалар мусиқа ва санъат мактабини бошқаришда иштирок этиш;

муассаса раҳбариятига ўқув жараёнини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

машғулотларнинг ўзига хос ижодий дастурларини ишлаб чиқиш;

касб фаолияти учун шароитлар билан таъминланиш, малакасини ошириш, қайта тайёргарликдан ўтиш;

ўқув машғулотининг шакли, услуби ва воситаларини мустақил танлаш;

конун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

51. Педагог ходимларнинг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлари асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;

педагог ахлоқ-одобига қатъий риоя қилиш;

ўқув-тарбиявий ишларни юқори савияда олиб бориш, таълим мазмунини такомиллаштириш, ўқитиш воситаларини яратишда фаол қатнашиш;

ўқувчининг қадр-қимматиغا ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларда меҳнатсеварлик, эзгулик, меҳр-шафқат каби фазилатларни шакллантириш, ўқувчиларни она Ватанга садоқат, давлат тилига, миллий ва умуминсоний, тарихий ва маданий қадриятларга, ота-онага ва ўзидан катта ёшдагиларга ҳурмат, атроф муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

ўзининг назарий билим даражасини, педагогик маҳорати ва касб малакасини узлуксиз равишда ошириб бориш ва ўз устида мунтазам ишлаш;

ўқув-тарбиявий ва услубий ишларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

ўқувчиларнинг ота-оналари билан мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйиш;

конун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятлар.

VIII. Болалар мусиқа ва санъат мактабида педагогик фаолият билан шуғулланиш

52. Тегишли маълумотга ҳамда касбий тайёргарликка, юксак фазилатларга эга шахслар болалар мусиқа ва санъат мактабида педагогик фаолият билан шуғулланишга ҳақли.

Педагогик фаолият билан шуғулланиши суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг болалар мусиқа ва санъат мактабида ушбу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

53. Болалар мусиқа ва санъат мактаби педагог ходимларининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

миллий ва жаҳон маданиятининг дурдона намуналарига таяниб, ёшларнинг эстетик дидини ўстириш, уларни юсак маънавий руҳда тарбиялаш;

педагогик кенгаш, ўқув-тарбия ишларига бағишланган конференциялар, семинарлар, мажлислар, шунингдек йўналишлар бўйича услубий бирлашмалар ҳамда муассаса раҳбариятининг йиғилишларида қатнашиш;

юқори органлар томонидан тасдиқланган ҳужжатлар асосида иш юриши, ўқувчилар билан синфдан ташқари ўтказиладиган машғулотлар тўғрисида муассаса раҳбариятига ҳисобот бериш;

ўқувчиларнинг ўқув машғулотларини қай даражада ўзлаштиришларини, билим савияси ва тарбиясини кузатиш, таҳлил қилиш ва чоралар кўриш;

якка тартибда ўқув машғулотлари олиб бориладиган ўқувчилар учун шахсий иш режаси, ўқув йили бошида назарий фанлар бўйича тақвимий иш режаси тузиш.

54. Болалар мусиқа ва санъат мактабида педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, касб маҳоратининг юқори даражада сақлаб турилиши Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таъминланади.

55. Педагог ходимлар фаолияти болалар мусиқа ва санъат мактаби раҳбарияти томонидан назорат қилинади.

Болалар мусиқа ва санъат мактабининг раҳбарияти педагог ходимларнинг обрў-эътибори ва ижтимоий мақомини, уларнинг масъулияти ва касб маҳоратини ошириш бўйича аниқ йўналишли ишларни амалга оширади, уларнинг тизимли равишда малака ошириши ва ўз устида ишлаши, таълим жараёнига илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари, шунингдек янги ўқув дастурлари жорий этилиши учун шарт-шароитлар яратади.

56. Болалар мусиқа ва санъат мактабида педагог ходимлардан ташқари маъмурий-хўжалик ходимлари фаолият кўрсатади.

Уларнинг лавозими бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни ишга қабул қилиш тартиби, штатдаги тегишли лавозимларга қўйиладиган талаблар, лавозимга тайинлаш ва бўшатиш тартиби болалар мусиқа ва санъат мактаби уставида белгиланади.

57. Болалар мусиқа ва санъат мактаби директорига, директорнинг ўқув-маърифий ишлар бўйича ўринбосарига, педагог ходимларига 48 иш кунидан иборат меҳнат таътили берилади.

Педагог ходимлар томонидан меҳнат таътилидан сўнг ўқув йили бошлангунга қадар муассасани янги ўқув йилига тайёрлаш, дарс тақсимотини шакллантириш ва иш режаларини тузиш, қабул синовларини ўтказишда қабул комиссияси фаолиятида иштирок этиш вазифалари амалга оширилади.

IX. Болалар мусиқа ва санъат мактабини бошқариш

58. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари болалар мусиқа ва санъат мактабининг муассислари ҳисобланади.

59. Болалар мусиқа ва санъат мактабининг умумий фаолияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

60. Болалар мусиқа ва санъат мактабига бевосита раҳбарликни тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор амалга оширади.

Болалар мусиқа ва санъат мактаби директори муассасанинг ташкилий-ҳуқуқий, ўқув-тарбиявий, маънавий-маърифий ва молиявий-хўжалик фаолиятининг ташкил этилиши учун бевосита масъул ҳисобланади.

Болалар мусиқа ва санъат мактаби директори лавозимига қўйиладиган малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

61. Директорнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

болалар мусиқа ва санъат мактабига умумий раҳбарликни амалга ошириш;

кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларнинг захирасини шакллантириш;

педагоглар ва бошқа ходимларга ўз фаолиятини амалга ошириши учун зарур шароит яратиш;

ўқувчиларнинг интизоми, билим савияси ҳамда мактаб ва синфдан ташқари олиб бориладиган ишларнинг ташкил этилиши ва мазмуни юзасидан назоратни амалга ошириш;

ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш учун зарур ишларни ташкил қилиш;

мактабнинг харажатлар сметасига риоя этилишини назорат қилиш;

меҳнат интизоми, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

болаларга йил мобайнида маслаҳат дарслари ўтилишини ва уларни мактабга кириш имтиҳонларига тайёрлашни назорат қилиш;

умумий ўрта, мактабдан ташқари таълим муассасалари, маданият уйлари, клублар ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатиш;

ота-оналар ва жамоатчилик билан иш олиб боришни ташкил қилиш;

бўйсунувига кўра юқори органларга ҳисобот бериш;

ўз ваколати доирасида меҳнат вазифаларини бузган ходимларга нисбатан меҳнат қонунчилиги доирасида интизомий жазо чоралари қўллаш;

мактабнинг педагог ва бошқа ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлашга тақдим этиш;

педагог ҳамда маъмурий-хўжалик ходимлари билан меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш.

62. Директорнинг ўқув-маърифий ишлар бўйича ўринбосарининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўқув-тарбиявий ишлар ва иш хужжатларининг мазмунини назорат қилиш;
педагог ходимларга методик ёрдам кўрсатиш;
ўқув-услубий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш;
ўқитиш услубини таҳлил қилиш мақсадида ўқув машғулотларига кириш;

педагог ходимларнинг болалар мусиқа ва санъат мактаби ички тартиб-қоидаларига риоя этишини назорат қилиш;

ўқув-тарбиявий, услубий иш режалари, дарс жадвали, очиқ дарслар режаси, синов имтиҳонлари, педагоглар ҳақида маълумотлар, ўқув машғулотлари тарификациясини тузиш ва тасдиқлаш учун болалар мусиқа ва санъат мактаби директориға тақдим этиш;

директор бўлмаган вақтда унинг вазифасини бажариб туриш;

педагог ходимлар томонидан дарс жадвали, ўқув-услубий, тарбиявий ҳамда синфдан ташқари ишларнинг бажарилишини назорат қилиш.

Болалар мусиқа ва санъат мактаби директори ва унинг ўқув-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ўз ихтисосликлари бўйича меҳнат қонунчилигига мувофиқ педагогик фаолият билан шуғулланишлари мумкин.

63. Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосарининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

хўжалик фаолиятини бошқариш, болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўқув машғулотлари ўтказиш учун тайёр ҳолда сақланишини таъминлаш;

болалар мусиқа ва санъат мактаби маблағларидан мақсадли фойдаланиш тадбирларини ўз ваколати доирасида ишлаб чиқиш ҳамда улардан тўғри фойдаланилишини таъминлаш;

молиявий фаолият натижаларини таҳлил қилиш, шартнома мажбуриятларининг белгиланган муддатида тўлиқ бажарилишини таъминлаш, молиялаштиришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган турли манбалари ҳисобига бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланилишини назорат қилиш;

товар-моддий бойликлар ва асосий воситалар тушумини тўлиқ ҳисобга олиш;

қўшимча молиявий манбалар ва моддий маблағларни жалб этиш ҳамда ходимлар ва ўқувчилар учун зарур ижтимоий-маиший шарт-шароитларни таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ўқув жиҳозлари, асбоб-ускуналари ва бошқа таълим воситаларининг сақланишини ва улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш;

моддий-техника базасини ривожлантириш ишларини ташкиллаштириш, бино ва қўшимча объектларнинг техник ҳолати ва жиҳозланганлигини мунтазам равишда ўрганиб бориш;

болалар мусиқа ва санъат мактабига етказиб берилаётган жиҳозларни белгиланган тартибда қабул қилиш, жиҳозларнинг синф хоналари ва бошқа хоналар бўйича тўғри тақсимланишини амалга ошириш;

куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида тегишли равишда кўмир, суюқ ёқилғи, табиий газ ва электр энергиясига бўлган эҳтиёжларни аниқлаш ва

маълумотларни болалар мусиқа ва санъат мактаби директорига тақдим этиш ҳамда қабул қилинган ёқилғиларнинг сифати ва сақланишини таъминлаш;

болалар мусиқа ва санъат мактабига бириктирилган ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалаш ишларига раҳбарлик қилиш, ўзига бўйсунувчи тегишли бўлинма ҳамда техник хизмат кўрсатувчи ходимлар ишларини мувофиқлаштириш;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя этиш.

64. Болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолияти билан боғлиқ энг муҳим масалаларни муҳокама қилиш, муаммоларни бартараф этиш ва истиқболдаги режаларни шакллантириш мақсадида педагогик кенгаш ташкил қилинади. Педагогик кенгаш муассасанинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

Педагогик кенгаш таркибига болалар мусиқа ва санъат мактабининг директори ва педагог ходимлари киритилади.

65. Педагогик кенгашнинг йиғилишлари бир ўқув йили мобайнида камида беш марта ўтказилади. Унга болалар мусиқа ва санъат мактаби директори раислик қилади. Директор бўлмаган вақтда раисликни директорнинг ўқув-маърифий ишлар бўйича ўринбосари амалга оширади.

66. Педагогик кенгашнинг вазифалари болалар мусиқа ва санъат мактабининг уставида белгиланади.

67. Педагогик кенгашнинг раиси кенгаш қабул қилган қарорларнинг бажарилишини доимий равишда назорат қилиб боради.

Х. Болалар мусиқа ва санъат мактабини молиялаштириш ва унинг моддий-техника таъминоти

68. Болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолиятини молиялаштириш белгиланган тартибда тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўзига бириктирилган мол-мулкни ва харажатлар сметаси бўйича ажратилган маблағларни конун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади.

69. Болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолиятини молиялаштириш қўйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ота-оналар тўлови маблағлари;

ўқувчилар ва педагог ходимлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар ва буюмларни сотишдан тушган маблағлар;

асосий машғулотлардан ташқари пайтда бўш бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналарни ижарага беришдан тушган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан, конун ҳужжатларида тақиқланмаган шартнома асосида пулли хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар;

ўқувчилар ва педагог ходимлар томонидан ўқув-тарбия жараёнига таъсир этмаган ҳолда бадиий кечалар, концерт ва театр томошалари ташкил этишдан олинган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳомийлик хайриялари, маҳаллий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

70. Қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятдан олинган даромад ҳисобига сотиб олинган мол-мулк муассасанинг мол-мулки таркибига кириртилади.

71. Болалар мусиқа ва санъат мактабининг мол-мулки ва пул маблағлари сарфланиши учун бевосита унинг директори жавобгар ҳисобланади.

72. Болалар мусиқа ва санъат мактаби томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ва статистик ҳисобот юритилади.

73. Болалар мусиқа ва санъат мактаби ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда иш ҳақига устамалар қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

74. Болалар мусиқа ва санъат мактаби штатидаги ходимлар сони муассасанинг намунавий штатларига мувофиқ белгиланади.

Болалар мусиқа ва санъат мактабининг намунавий штатлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

75. Болалар мусиқа ва санъат мактабининг моддий-техника таъминоти ва кадрлар билан таъминланиши белгиланган нормативларга мувофиқ эҳтиёжлар асосида амалга оширилади.

76. Болалар мусиқа ва санъат мактаби тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда ўзининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади.

XI. Яқунловчи қоидалар

77. Болалар мусиқа ва санъат мактаби қонунчиликда белгиланган тартибда мактабдан ташқари таълим бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиши мумкин.

Уларнинг халқаро ҳамкорлиги шартномалар асосида хорижий ташкилотлар билан педагогик ахборот ва тажриба алмашиш, педагог ходимларнинг малака ошириши ҳамда стажировка ўташи шаклида амалга оширилиши мумкин.

78. Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларнинг ота-оналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа таълим муассасалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан узвий алоқада фаолият кўрсади.

79. Болалар мусиқа ва санъат мактабида унинг иш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ташкилотлар, жумладан, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ташкил этилишига ва фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

80. Болалар мусиқа ва санъат мактабини қайта ташкил этиш ёки тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув йили якунида муассис томонидан амалга оширилади.

Тугатилган болалар мусиқа ва санъат мактабининг муассиси ўқувчиларни ота-оналарнинг розилиги билан бошқа болалар мусиқа ва санъат мактабига ўтказиш масъулиятини олади.

81. Болалар мусиқа ва санъат мактаби тугатилган тақдирда унинг пул маблағлари ва мол-мулкидан, унинг мажбуриятларини қоплаш бўйича тўловлар чегирилган ҳолда, қонун ҳужжатларига ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаби уставига мувофиқ фойдаланилади.